REPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ, БИРОҚ...
3 ГУВОҲЛАНТИРИШ НИМА?
ҲАЁТ МЕҲВАРИ
4 ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАЕРДА ҚАНДАЙ КУТИШАДИ?

MEZON:

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 11-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 50 (356)
2003 йил
30 декабр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Mushtariyga maktub

САРҲИСОБ

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

Мана, 2003 йил ҳам поёнига етиб, янги йил кириб келмоқда. Тарих саҳифасидан жой олаётган ўтган йилда биз сиз билан ҳаммаслак ва ҳамроҳ бўлдик. Сиз — таҳририятимиз ижодий ходимларининг сермашақкат меҳнати маҳсули бўлмиш газетамизнинг ҳар бир сонини мутолаа қилиб бордингиз. Шу маънода биз йил давомида қандай фаолият олиб бордик, ўзимизнинг имкониятларимиздан нечоғлик фойдаландик, умуман айтганда, ютуқ ва камчиликларимиз нималарда кўринди — бу биздан кўра, сизга кўпроқ аён.

Шундай экан, биз янги йил арафасида сизга «уни қойиллатиб қўйдик, буни қойиллатиб қўйдик» деб кўкрак кериш фикридан йироқмиз.

Асл муддаомиз янги йил арафасида ўтган йилги фаолиятимизни сарҳисоб қилиш, келгуси йилдаги режаларимиз ҳақида фикр юритишдир.

Аввало, газета ва ўқувчи ўртасидаги муносабат ҳақида фикр юритсак. Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида газета ҳам товарга айланади. Бошқача айтганда, Сиз, азиз ўқувчилар, газета учун пул сарфлайсиз. Газета эса ана шу маблағ эвазига кун кўради. Шу боис, Сиз холис ва ҳаққоний ахборот олишни талаб қилишга ҳақлисиз. Табиийки, Сизнинг талабларингизни қаноатлантириш осон юмуш эмас. Бу — биз, журналистлардан энг аввало, холислик, адолат мезонларига қатъий амал қилиш, мунтазам изланиш, чуқур билим ва ўзига хос жўраст ҳамда дадилликни талаб қилади.

Бунинг устига бугун мамлакатимизда вақтли матбуотнинг сони ортиб бораётган экан, ҳар бир ўқувчи танлаш имкониятига эгадир. Аниқроқ айтганда, ўқувчи ўз эҳтиёжларини қаноатлантиролмаган нашрни ўқимай қўйса, бас, журналист касодга учрайди.

Бу ҳаммамизга маълум ҳақиқат.

Шу ўринда иккинчи савол туғилади: хўш, газета барча ўқувчиларнинг эҳтиёж ва талабини қандай қаноатлантира олади? Бунинг учун қандай мезонларга амал қилиши керак? Умуман айтганда, бугунги куннинг журналисти ва газетасининг қиёфаси қандай бўлиши лозим?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, ҳар бир газета холислик мезонларига қатъий амал қилса, бирон-бир ўқувчининг манфаатларига зиён етмайди. Аниқроқ айтганда, холис ва ҳаққоний ахборот барча ўқувчилар учун бирдек муҳим аҳамиятга эга. Бундан ҳам аҳамиятлиси шундаки, тўғри ва холис ахборот ижтимоий фикрни юзага келишига асос бўлади. Ижтимоий фикр ўз навбатида жамият тараққиёти ва ривожини белгилаши ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда иккинчи бир муҳим масала хусусида тўхталадиган бўлсак, бозор иқтисоди даврида ҳар бир соҳада рақобат юзага келади. Бундан оммавий ахборот воситалари ҳам мустасно эмас. Бунинг устига радио-телевидениенинг имкониятлари тобора ошиб бораётган, кун-кунора турфа хил янги газета-журналлар чоп этилаётган бир пайтда рақобат майдонидан муносиб ўрин эгаллаш осон эмас. Ана шундай бир шароитда ўз ўқувчисини тополмаган ҳар бир нашр инқирозга учраши муқаррар.

Шу боис ҳар бир таҳририят ўз фаолиятини аввало газетхонлар манфаати асосига қуриши лозим. Бунинг учун аниқ мақсадларни белгилаб олиш, қатъиятлик, тадбиркорлик ва фидойилик муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, оёқлаб бораётган йилда газетамиз таҳририяти нималарга эришди? Биз — ижодий ходимларни йил давомида амалга оширган ишларимиздан кўнглимиз тўлдими? Агар сўзимизни мақтанишга йўймасангиз, очиқ айтамиз: ҳар ҳолда афсус билан бармоқ тишлайдиган иш қилмадик. Газетамизнинг 2003 йилги тахламини яна бир қайта варақлаб кўрсангиз, бу фикрга Сиз ҳам қўшилишингиз мумкин.

Бундай хулосага келишимизнинг биринчи сабаби — йил давомида таҳририятимизга ишониб хат йўллаган бирор-бир муштарийнинг мурожаатини эътиборсиз қолдирмадик. Газетхонларнинг хатхабари, таклиф ва мулоҳазаларини имкон қадар газета саҳифаларига олиб чиқишга ҳаракат қилдик. Тўғри, таҳририят манзилгоҳига келаётган барча мактубларни чоп этишнинг иложи йўқ. Лекин чоп этилмаган ариза-шикоятларга ҳам бефарқ қарамадик. Уларни ҳам ўз вақтида мутасадди ташкилотларнинг эътиборларига ҳавола этдик. Шикоят газетада чоп этилмаса-да, унинг натижаси билан ўқувчиларимизни таништириб боришга ҳаракат қилдик.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, бизга ишониб мурожаат қилган ўқувчиларнинг ариза-шикоятларини ўрганиш давомида кимларнингдир кўнглини ранжитгандирмиз. Ҳар ҳолда бировни ҳимоя қилиш мақсадида мақола ёзаётган журналист иккинчи бир кишини танқид қилишига ҳам табиий ҳол сифатида қарашга ўрганишимиз лозим. Илло, танқид қилишдан мақсадимиз кимнидир ёмонотлиқ қилиш ёки юзига лой чаплаш эмас. Биз ҳар бир мақоламиз билан бирор-бир юртдошимизнинг бузилган қонуний манфаатларини ҳимоя қилар эканмиз, энг аввало, олдимизга қонун тарозусини қўямиз. Олдимизга қўйган ягона мақсад-муддаомиз имконимиз даражасида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ҳисса қўшиш.

Бундан ташқари, биз йил давомида газетхонларимизнинг ҳуқуқий онгларини оширувчи мақолалар бериб боришга ҳаракат қилдик. Газетамизнинг ҳар бир сонида ўқувчиларимизга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бордик. Уларнинг саволларига жавоб бериш мақсадида газетамиз саҳифасида алоҳида рукн ташкил этдик.

Баён этилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, газета фаолияти ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган. Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади», деган гап бор. Бурч масъулиятини унутмаган, уни виждонан бажарган одам кўзлаган мақсад-муддаосига эришишига шубҳа йўқ.

Зотан, айни кезларда биз ҳам бир йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қилиб, келгуси йил режаларини тузаяпмиз. Хусусан, келгуси йилда газета саҳифаларида қонун ижодкорлиги, қонунга риоя этиш, ҳуқуқий саводхонлик, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини ёритишнинг усул ва йўлларини ишлаб чиқмоқдамиз. Бунга қўшимча сифатида газетамизнинг ҳуқуқий нашр эканини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, жамиятда адолат ва холисликни таъминлашнинг бирдан-бир йўли қонунга амал қилишдир. Чунки қонун адолат ва холислик мезони ҳисобланади. Аниқроғи, қонунларда ҳамманинг манфаатлари ўз ифодасини топган. Шу маънода жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда газетамиз холис минбар вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Хуллас, боя таъкидлаганимиздек, ўқувчиларимиз эҳтиёжини қаноатлантириш асосий мақсадимиздир.

Ўйлаймизки, ўқувчиларимиз ҳам бизни қўллаб-қувватлашади ва келгусида доимий ҳамкоримиз бўлиб қолишади.

Муҳтарам муштарий!

Йил давомида биз билан бирга бўлганингиз ва янги — 2004 йилда ҳам обуначимизга айланганингиз учун Сизга таҳририят номидан миннатдорчилик билдирамиз. Сўзимиз сўнггида янги йил Сизга ҳам, бизга ҳам омадли келишини тилаб қоламиз.

Таҳририят

Xabar

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Кеча Адлия вазирлигида Адлия вазири А.Полвон-зода ва Тожикистон Республикаси Адлия вазири Х.Ҳамидов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистон мамлакатлари Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, суд тизими ислоҳотлари, қонунчиликни такомиллаштириш каби ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикр алмашинди.

Faoliyat

МУЛКДОРЛИК САОДАТИ

2004 йил эшик қоқиб турган мана шу қутлуғ кунларда ҳар бир инсон ортга назар ташлаб, ютуқ ва камчиликларини, ўз умрини сарҳисоб қилади.

Мен ҳам янги йил бўсағасида ким эдим-у, ким бўлдим, деган саволни ўз-ўзимга бериб, жавоб излайман. Аввало мен ҳаётимни истиқлолгача ва ундан кейинги даврга бўламан. Ўтган йиллар эса кўз ўнгимда.

Шўролар даврида бригадир бўлиб ишлардим. Далада пахта экилмаган бирор қарич ер қолмасди. Ариқ-зовурлар чети у ёқда турсин, шийпоннинг эшигигача пахта экиларди. Ҳатто шийпондаги номигагина ташкил этилган болалар боғчаси учун бир туп картошка ёки помидор экиб кўринг-чи, бошингизга не балолар ёғилмасди...

Барибир биримиз-икки бўлмади. Базўр қора қозон қайнар, оғилхонада битта туёқ бўлмасди.

Яхшиямки, бахтимизга ёруғ кунлар келди. Ким ҳам яхши яшагиси келмайди. Устозим Исмоил ота Йўлдошев билан маслаҳатлашиб, дастлаб 70 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этдик.

Ишларимиз юришиб кетди. Ҳозир экин майдонимиз 200 гектарга етди. Умумий майдоннинг 70 фоизида пахта етиштирамиз. Ғалла ҳам, шоли ҳам экамиз. Каттагина боғимиз бор. Сабзавот-полизнинг ҳамма турларини экамиз. Фермада молларимиз, шахсий машина, трактор саройида 15 турдаги техника ишга шай турибди.

Данғиллама шийпонимизни қасрдан қолишадиган жойи йўқ. Буларнинг ҳаммаси қуруқ гап эмас, бор ҳақиқат.

Баъзан ўзимча уларни ўтмиш билан қиёслаб, мақтаб ўтаман, йўқ, сира солиштириб бўлмайди.

Энг муҳими, одамларни юзидаги мамнунлик мени хурсанд қилади. Шунинг учун бўлса керак, тугаётган йилда фермер хўжалиги бўйича рентабеллик 20 фоизни ташкил этди. Бу ҳазилакам гап эмас.

Бунинг устига ерларимиз насос орқали суғорилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу иқтисодий кўрсаткич нечоғлик юксак экани ўз-ўзидан маълум бўлади.

Даромадга яраша буромад деганларидек, "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги ҳудудидаги мактабни оталиққа олиб, зарур шароитни яратиб берганмиз.

2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилингани айни муддао бўлди. Ҳозирданоқ қилинадиган ишларни, пишиқ-пухта режаларини тузиб қўйдик. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, эзгу-ниятлар амалга ошишига шак-шубҳа йўқ.

Гулуммат ҲАЙТИНМАМАТОВ,
"Ҳайтинмаматов ота" фермер хўжалиги раҳбари,
Гурлан тумани

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Шоира УМАРОВА,
Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби

Инсон ўтаётган умрини сарҳисоб қилиб, эртанги кун умиди билан яшайди. Айниқса, ҳар биримиз йилнинг охирида ортимизга бир назар ташлаймиз, ўтган йилда нималарга эришдим, қандай ютуқларни қўлга киритдим, деб хаёлдан ўтказамиз. Бу фақат ҳисоб-китоб учун эмас, балки эртанги куннинг режасини тузиш учун ҳам жуда аҳамиятлидир.

Ўтган йилни сарҳисоб қилганда, унинг хайрли ўтганлигидан мамнунман. Чунки атрофимиздаги одамларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар, муваффақиятларни кўрганда, қувонмай бўладими?! Юртимиздаги улкан ўзгаришлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнини кузатганда, энг дастлабки натижа — шахснинг имкониятлари кенгайди, ёшларимизда шижоат ўсди. Буларнинг ичида энг асосийси, кишилар онгидаги беқиёс ўзгаришдир, деб биламан Чунки бугунги кунда одамларнинг ўзига, эртанги кунга бўлган ишончи жуда баланд. Ана шу ишонч одамларни шижоат билан меҳнат қилишга, бунёдкорликка ундайди.

Тугаб бораётган 2003 йилда ўзим фаолият кўрсатаётган қўмита томонидан режалаштирилган ишларни режа асосида тўлиқ амалга оширдик. Парламентимизда қабул қилинган қонун лойиҳаларини мукаммаллаштиришда ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Парламент ислоҳотини амалга ошириш учун асос бўлган қонунлар **"Олий Мажлис Сенатининг регламенти тўғрисида"**ги ва **"Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида"**ги каби қонунларнинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи идоранинг такомиллашуви учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Қўмитамиз томонидан **"Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонунни қабул қилиш режалаштирилган эди. Мазкур қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини назорат-таҳлил қилиш борасида ҳам қўмитамиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шуни айтиш керакки, Парламент ислоҳотини амалга оширишда халқаро тажриба муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда 2003 йилда Италия ва Швеция, шунингдек, Германия давлатларига ташкил қилинган Парламент гуруҳи билан хизмат сафарида бўлиб қайтдим. Бу мамлакатларда орттирилган тажрибалар депутатлик фаолиятим учун муҳим аҳамият касб этади, сир эмаски, мамлакатимиз экологик жиҳатдан йод моддаси танқис бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ана шу модда етишмовчилиги натижасида инсон организмида турли касалликлар келиб чиқади. Бунинг олдини олиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш учун қонуний асосларни такомиллаштириш зарур.

Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг **"Меҳр ва мурувват йили"** деб эълон қилиниши замирида катта маъно мужассам. Чунки инсонга хос бўлган барча ижобий хислатлар билан бирга биргина ҳайрон қоларли хусусият бор. Яъни фақат инсонда мавжуд бўлган меҳрни ҳаммага ва ҳар вақт бераверамайди. Меҳр — бу инсонга хос маънавий хислат. Мен бир ўзбек аёли сифатида ана шундай катта имкониятларга эга бўлганим учун истиқлолга шукрона айтаман.

Янги йилдаги режаларим ҳам улкан. Энг аввало, ҳар бир инсоннинг доимий фаолияти бўлмиш илмий изланишлар олиб боришдир. Қўмитамиз Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси бўлгани учун ижтимоий соҳага оид айрим муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида қонуний асосларни янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг **"Меҳр ва мурувват йили"** деб эълон қилиниши замирида катта маъно мужассам. Чунки инсонга хос бўлган барча ижобий хислатлар билан бирга биргина ҳайрон қоларли хусусият бор. Яъни фақат инсонда мавжуд бўлган меҳрни ҳаммага ва ҳар вақт бераверамайди. Меҳр — бу инсонга хос маънавий хислат.

Мурувват эса ана шу хислатга асосланган моддий кўринишдаги амал. Аввало мурувват кўрсатиш учун инсонда меҳр уйғотиш керак. Инсонлар бир-бирига меҳрли бўлишлари лозим. Шундагина бир-бирларини беғараз ҳурмат қиладилар, ҳамдард ва ҳамфикр бўладилар, бирлашадилар, якдил бўладилар.

Инсонлар руҳиятида ана шундай эзгу ҳисларнинг янада уйғонишидан фақат яхшиликлар кутиб қоламан.

2004 йилда эзгулик йўлидаги ишлар янада кўпайсин. Эзгу иш ва эзгу амал қилиш учун меҳрли бўлайлик. Ҳаммага хайрли ишларида муваффақият тилайман.

ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚСИН

Инсон умри, ҳаёт йўлини бежизга оқар дарёга қиёслашмайди. Кечагина катта-катта мақсадлар, эзгу орзу-умидлар билан мўътабар билим даргоҳига қадам қўйган биз — ёшлар бугун уни битириш арафасида турибмиз. Ўтаётган ҳар бир кунини, ҳар бир дақиқасини сарҳисоб қилиб яшаш, менимча, чинакам инсонларгагина хос фазилат. Бу ўткинчи ҳаётнинг ҳам, ёшлик даврининг ҳам мазмун-моҳияти ана шунда, деб биламан. Хўш, ўтган бир йил биз, талабалар учун қандай кечди? Ўзимиз учун яратилган имконият ва шарт-шароитлардан қай даражада фойдаландик? Янги йилда яна қандай ишлар қилишни режалаштирямиз?

Оддий бир талаба сифатида шуни айтишим мумкинки, ана шу ўтган қисқа давр, айниқса, ўз поёнига етаётган 2003 йил мен учун ижод, илмий изланишлар даври бўлди.

Бир йил мобайнида ижодий изланишлар олиб бориб, турли мавзуларда ўттиздан ортиқ мақолалар чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Бу борада эса "Инсон ва қонун" газетаси мен учун тажриба мактаби бўлди. Шунингдек, илмий изланишларимнинг самараси ўлароқ Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Бундан ҳам муҳими, яқинда бир неча йиллик тадқиқотларим маҳсули бўлмиш **"Америка Президентлари"** номли китобим дунё юзини кўрди. Бу билан мен 215 йилдан ортиқ бой тажрибага эга бўлган АҚШ сингари қудратли давлатнинг 43-нафар фидойи фарзандларининг машаққатли ва ибратли ҳаёт йўллари ҳақида юртдошларим, тенгдошларимга ҳикоя қилиб бердим.

Бир сўз билан айтганда, 2003 йил талабалик даврининг энг сермазмун ва сермаҳсул йилларидан бири бўлиб қолади. Кириб келаётган 2004 йил орзу-ниятлар рўёбга чиқадиган йил бўлсин!

Хусан ТУРСУНОВ,
талаба

МАЗМУНЛИ КЕЧГАН ЙИЛ

Одамзот ҳар қандай даврда ҳам умид, орзу-ниятлар билан яшаган. Эришилган муваффақиятлар, қўлга киритилган ютуқлар кишини янги-янги чўққиларни забт этишга ундайди.

Поёнига етиб бораётган 2003 йил мен учун анча сермазмун кечди.

Энг муҳими, ана шу қисқа фурсат ичида ўндан ортиқ ҳуқуқий мавзулардаги мақолаларим ҳамда **"Конституция: шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар"** номли илмий рисолам чоп этилди.

Ана шундай илмий тадқиқот ва изланишларимнинг амалий натижаси ўлароқ, Алишер Навоий номидаги Давлат стипедияси соҳиби бўлдим. Буни талабалик давримда эришган дастлабки ютуқларимдан бири деб биламан.

Янги йил арафасидаги режа ва мақсадларим эса илм-маърифат йўлида олиб бораётган илмий изланишларимни давом эттириш, ҳуқуқшунослик сирасрорларини пухта эгаллашдир.

Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ,
талаба

Dakki

ШАРТНОМАНИ БАЖАРМАСЛИК

У КОРХОНАНИ ОРТГА ТОРТДИ

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида чет элдан кириб келадиган инвестициялар муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда чет эл сармояларини кириб келиши, ана шу омил асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги **"Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори мавжуд барча ҳуқуқий, иқтисодий асосларни мустаҳкамлаш учун замин яратиб берди.

Бугунги кунда юртимизда ана шундай шарт-шароитлар яратилгани боис қўшма корхоналар самарали фаолият олиб бормоқда.

Бироқ бундай қўшма корхоналар фаолиятида тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бунга Гулистон шаҳридаги "ЎзРосГБА" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бошидан кечирган воқеани мисол сифатида келтириш мумкин. Тўғри, бу қўшма корхона тетапоя ҳолатидан ўтган. Лекин у ҳали бировга қарзга ёки текинга хизмат кўрсатадиган даражага етгани ҳам йўқ.

Сайхунобод туманидаги "Шўрўзак" фермер хўжалигида эса қўшма корхонанинг имкониятини юқори баҳолашдими ёки ўз чўнтаклари кўтаролмайдиган даражадаги баланд дорга чиққилари келдими — хуллас, бир талай оворагарчиликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишди. Хўжалик билан корхона ўртасида "ЯМЗ-240" двигателини таъмирлаш тўғрисида 1300 минг сўмлик иш бўйича шартнома тузилди. Бу 2001 йил 26 мартда рўй берганди. Лекин иш бажарилгач, хўжалик меҳнат ҳақининг 670.614 сўмини шу кунгача тўламай келди. Икки ўртада тузилган шартноманинг 4,1-бандига кўра, хўжалик қолган қарзни бир ой муддат ичида тўлаши лозим эди. Белгиланган муддатдан сўнг ҳам 200 кундан зиёд вақт ўтди. Шу боис, муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзининг 0,5 фоизи миқдоридаги устама ва асосий қарзни тўлаши шарт. Бу шартномада кўзда тутилган. Устама миқдори 335.307 сўмни ташкил этади.

Қўшма корхона маъмурияти ариза билан мурожаат этгандан сўнг Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги қарорининг 1-бандига ҳамда ХПКнинг 6, 112 ва 114-моддаларига асосан кредиторлик қарзи устамаси билан "Шўрўза" фермер хўжалиги ҳисобидан ундириб олиниши лозим, деб топди ва даъвогар манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси киритди.

"ЎзРосГБА" ва вилоятдаги "Маҳаллий саноат" ишлаб чиқариш савдо ҳиссадорлик компанияси ўртасида ҳам юқоридагидек ҳолат рўй берди. Корхона буюртмачи учун мактаб парталарига каркаслар тайёрлади. 2002 йил 29 июлда тузилган шартномада кўзда тутилганидек, 3.048.460 сўмлик иш бажарилди. Аммо ҳақини тўлашга келганда... "Маҳаллий саноат" 1200 минг сўмни қўшма корхона ҳисобига ўтказиб, қолганини насия қилиб юраверди. Бунда ҳам шартноманинг 4.1-банди шартлари бузилди, қарз муддати 150 кундан ошиб кетди.

Адлия бошқармаси ушбу ҳолатда ҳам даъвогар фойдасига жавобгардан 1.848.460 сўм асосий қарз ва тўлов муддатидан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,5 фоизлик устама, яъни 924.230 сўмни ундиришни лозим деб топди. Шунга асосланиб, хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Қўшма корхонанинг оворагарчиликлари шу билан тугамади. "Сирдарёгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси "ЎзРосГБА"га тегишли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган «СМК-10» русумли автокранни 8500 минг сўмга сотиб олмоқчи бўлди. Келишилди, шартнома тузилди. Қўшма корхона автокранни берди, "Сирдарёгаз" 5.644,591 сўмни тўлади. Афсуски, иш шу ерга етганда тўхтаб қолди. 2003 йил 25 март кунидаги келишув битимига асосан олди-берди бир ой ичида ҳал бўлиши керак эди. Бироқ "Сирдарёгаз" корхонаси мутасаддилари бепарволикка йўл қўйишди. Бу эса корхона учун анча қимматга тушди. 2855405 сўм кредиторлик қарзи жавобгардан ундириб олинди.

Гулистондаги 25-автобус саройи ҳам қўшма корхонада автомашина двигателини тўлиқ таъмирлатиб олди. Ўртадаги шартномага кўра, автобус саройи 780 минг сўм тўлаши керак эди. Аммо сарой маъмурияти қарзни ўз вақтида тўлашни лозим топмади. Энди асосий қарздан ташқари, қарзнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун 0,5 фоиз миқдорида ҳисобланган жами 390 минг сўмлик устамани ҳам қўшиб тўлашига тўғри келади.

Ушбу воқеаларни баён этишдан мақсад — хўжалик юритувчи субъектларга қарата шундай бир таклифни айтмоқчимиз: Келинглар, ҳар томондан «торт-торт» қилиб, қўшма корхонани мушкул аҳволга солишни эмас, уни қўллаб-қувватлаб, ривожланиши, кенгайиб, бақувват бўлиши учун ёрдам кўрсатишни ўйлайлик. Бу келажагимиз учун ҳам яхши. Зеро, қонун-қоидаларимиз талаби ҳам шундай.

Жамшид ШУКУРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ
«Инсон ва қонун» мухбири

Saboq va mulohaza

ОРТИҚЧА ТОПШИРИЛГАН ДОН



ҚОНУН ДОИРАСИДАН ЧЕТДАМИ?

Фараз қилинг, фермер ёки ширкат хўжалиги билан корхона ўртасида дон маҳсулотлари етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Ҳосил мўл бўлгани учун хўжалик корхонага шартномадагидан ортиқча дон топширди. Бироқ корхона хўжаликка фақат шартномада қайд этилган ғалланинг пулини тўлади. Ортиқча топширилган дон учун тўлов эса кечиктирди. Бу ҳол умуман мумкинми?

Афсуски, баъзи жойларда шартномада қайд этилганидан ортиқча топширилган донга ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаслик ҳолатлари оз бўлса-да, учраб турибди. Бунга мисол тариқасида Навбаҳор туманидаги "Янги ер" фермер хўжалиги бошидан кечирган ҳолатни келтириш мумкин.

Гап шундаки, 2002 йилнинг 5 октябрида "Навоийдон маҳсулотлари" ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси билан "Янги ер" фермер хўжалиги ўртасида 2003 йилда 90,3 тонна ғалла етказиб бериш юзасидан 1/413-сонли контрактация шартномаси тузилади. Тоғай Раҳматов раҳбар бўлган фермер хўжалиги аъзолари шартномада қайд этилганидан 23,7 тонна кўп, яъни 114 тонна донни корхона омборига топширади. Корхона мутасаддилари ҳам сўзларининг устидан чиқиб, шартномада қайд этилган 90,3 тонна доннинг пулини фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Бироқ ортиқча топширилган 23,7 тонна доннинг пулининг тўлашга келганда, сансоларлик бошланади.

Навоий вилояти адлия бошқармаси акциядорлик уюшмасидагилар фермер хўжалигининг шартномада қайд этилганидан ортиқча топширган дон маҳсулоти пулини тўлашни пайсалга солганини қонунбузилиш дея баҳолади. Бунга шартноманинг 4.7-бандини асос қилиб олишди. Чунки ушбу бандда томонлар шартнома мажбуриятини бажармагани учун Фуқаролик кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномалари тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"ги Низомига мувофиқ мулкий жавобгарликка тортилиши келишилган.

Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 449-моддасига асосан сотиб олувчи етказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган ҳолда тўлаши керак. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган Низомнинг 24-бандига асосан топширилган маҳсулот қиймати учун ҳисоб-китоб маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг тайёрловчи ва унга хизмат кўрсатувчи банк муассаса аҳоли яшайдиган ҳар хил жойларда жойлашган бўлса, беш кундан кечиктирмай амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Вилоят адлия бошқармаси қонун талабларига таяниб, фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Хўжалик суди даъво талабини қаноатлантирди. "Навоийдонмаҳсулотлари" ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмасидан фермер хўжалиги фойдасига асосий қарз — 1 миллион 735 минг 362 сўм 58 тийин ундирилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Доннинг бутуни ҳам, ушоғи ҳам нон. Қиёсласангиз шартномада кўрсатилган дон ҳам, ортиқча топширилган дон ҳам барибир дон. Халқимиз ризқ-рўзи инсон меҳнати, табиат инъоми билан далада етиштирилган.

Ҳозир ғалла майсалари баравж ўсиб, янги йил ҳосили мўл бўлишидан дарак берябди. Демак, тайёрловчи корхоналар шартномадагидан ортиқча топшириладиган дон ҳақини ўз вақтида тўлашга ҳозир бўлиши керак. Бу қонун эмас, балки ғалла мустақиллиги талаби ҳам. Деҳқон меҳнатига рағбат сезгани мўлкўлчилик нишонаси. Шубҳасиз, бундан корхона ҳам, элюрт ҳам фойда кўради. Ортиқча топширилган дон қонун доирасидан четда эмас, ахир.

Яшин ДУШАНОВ,
ҳуқуқшунос
Ҳамид ЭГАМ,
журналист

Ajab savdolar

ДАЪВОГАР УСТАМАДАН НЕГА ВОЗ КЕЧДИ?

Косонсой туманидаги "Дилшод" фермер хўжалиги билан "Пахта толаси" акциядорлик жамияти ўртасида 2001 йилнинг 27 ноябр куни **"Давлат эҳтиёжи учун сотиб олинадиган пахта хомашёси ва уруғлик пахта учун"** 82-сонли контрактация шартномаси имзоланган эди.

Мазкур шартномага кўра, фермер хўжалиги жамиятга 164 тонна пахта хомашёси етказиб бериш мажбуриятини олади. Жамият эса ўз навбатида қабул қилиб олинган пахта хомашёсига ҳақни ўз вақтида тўлаши ҳамда шартноманинг бажарилишида жавобгарлик мажбуриятини қабул қилади.

Фермер хўжалиги 2002 йилда 183 тонна пахта хомашёсини етиштириб, жамиятга топширган ва зиммасидаги мажбуриятли ортиғи билан ажарган.

Шартноманинг 23 банди "в" қисмида **"Маҳсулотнинг 20 фоиз қиймати бўйича якуний ҳисоб-китоблар қайта ишлаш натижаларига 2003 йилнинг 1 август кунигача амалга оширилади"** деб қайд этиб қўйилган.

Лекин акциядорлик жамиятида қайта ишлаш 2003 йилнинг 27 апрел ҳолатига тугалланганлигига қарамай топшириш куни, яъни шу йилнинг 27 августига қадар фермер хўжалигининг пахта хомашёсидан бўлган 20 фоизли ҳақларини тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаган.

Шартноманинг 2.3 банди "в" қисми бажарилмаганлиги сабабли фермерга асосий ҳақи 350.000 сўм, ҳар бир кечиктирилган кун учун, яъни 27 кунга 37.800 сўм устама ундириш лозим бўлади.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб вилоят адлия бошқармаси "Дилшод" фермер хўжалигининг манфаатини кўзлаб Наманган вилоят хўжалик судига шу йилнинг 15 сентябр куни даъво аризасини киритган эди. Яқинда мазкур даъво аризаси юзасидан вилоят хўжалик судининг судьяси Ш.Ҳасанов раислигида суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд мажлисида фермер хўжалигининг бошлиғи А.Эгамбердиев, жавобгар вакили — жамият бош ҳисобчиси Ш.Маҳулов ва бошқалар иштирок этди.

Даъвогар вакили — А.Эгамбердиев даъвони қисман қўллаб, даъвода 350.000 сўм асосий қарзига, 37.800 сўм устамани қўшиб ундиришни сўраган бўлса-да, жавобгарнинг молиявий ҳолатини инобатга олиб, устама маблағидан воз кечишини ва 350.000 сўм асосий қарзини ундириб беришни сўради.

— Ҳақиқатан ҳам, икки тарафлама имзоланган шартномага кўра биз ўз зиммамиздан мажбуриятни бажара олмадик, — дейди суд мажлисида жавобгарнинг ишончли вакили. — Чунки пул маблағлари транш йўли билан келиши ва республика фондидан пул ажратилмаганлиги сабабли даъвогар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошира олмадик. Айни кунда жамиятнинг иқтисодий аҳволи оғир. Шуни эътиборга олиб, устама ҳақни ундирмаслик чоралари кўрилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, томонларнинг тушунтиришларини инобатга олиб, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим деб топди.

Тўғри, мазкур низоли иш судда кўрилаётганда, даъвогар жавобгардан ундирилиши лозим бўлган жаримадан воз кечди. Даъвогар бунинг сабабини корхонанинг ночор аҳволга тушиб қолгани билан изоҳланади.

Бироқ бу жавобгар томоннинг шартнома шартларига масъулиятсизлик билан қараганини оқламайди. Нега деганда, шартнома қонун кучига эга ҳужжат. Унинг талабларига амал қилиш ҳар икки томон учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Хулоса шуки, бугун ҳар бир корхона, ташкилот ўз имкониятларини ҳисобга олиб шартнома тузса, эртага уялиб қолмайди.

Мирзакарим ТИЛЛАБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Қаҳрабо фасл

Qonun ko`magi

КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ, БИРОҚ...

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Наманган вилояти бўлим бошқарувчисининг 2003 йил 3 декабр кунидаги "Молиявий жазо қўллаш ҳақида"ги 44-сонли буйруғига кўра мазкур банкнинг Тўрақўрғон филиал бошқарувчиси К.Мамажонов ишда йўл қўйган камчилиги учун 2003 йил декабр ойи иш ҳақидан 20 фоиз миқдорида молиявий жаримага тортилди.

Хўш, Миллий банкнинг туман бошқарувчиси ишда қандай хато ва камчиликларга йўл қўйган эди? Унга нисбатан нега молиявий чора қўлланилди?

Албатта, сабабсиз оқибат бўлмайди. Бу — диалектика қонуни. Деҳқонча айтганда, шамол эсмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди. Шу ўринда хусусий тадбиркор Муҳаббат Йўлдошеванинг 2003 йил 7 октябр куни вилоят адлия бошқармасига ёзган аризасидан парча келтирсак. "Тўрақўрғон туманидаги "Барҳаёт" фермер хўжалиги кафолат хати бергач, — деб ёзади хусусий тадбиркор, — Миллий банкнинг туман бўлими бошқарувчиси Комилжон Мамажоновга 2002 йилда кредит беришга ариза билан мурожаат қилдим. Зарур бўлган барча ҳужжатларни унга топширдим. Бир миллион кредит оламан деб банкка қатнаб сарсон бўлдим. Ҳар борганимда ҳар хил баҳоналар билан мени қуруқ қайтараверишди. Кейинчалик бир миллион сўм 700 минг сўмга, 700 минг сўм 400 минг сўмга, 400 минг сўм 200 минг сўмгача тушди. Аммо пулдан дарак бўлмади. Пенсия пулларимни ҳам банкка қатнаш учун йўлкирага сарфлаб юбордим. Банкка топширадиган ҳужжатларнинг кўплигини айтмайсизми? Ололмаган кредитга икки бора солиқ тўлаганим эса дард устига чипқон бўлди. Хуллас, уч йилдан бери банкка қатнайвериб, ҳеч вақо ололмадим".

Мазкур ариза вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам, Тўрақўрғон туманидаги Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи хусусий тадбиркор Муҳаббат Йўлдошева ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тўрақўрғон тумани бўлимига қисқа муддатли кредит ажратишини сўраб, 2002 йилнинг 29 август куни ариза билан мурожаат этган. Ушбу ариза банк бўлими томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талабларига зид равишда умумий кирим китобига кирим қилинмаган. Шу куни аризачига банк бўлими томонидан 871-сонли жавоб хати берилиб, Адлия вазирлиги томонидан 902-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини Миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби" талабларидан четга чиқиб, тадбиркордан тикувчилар малакаси ва улар тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этишни сўрашган.

Шундан сўнг хусусий тадбиркор Муҳаббат Йўлдошева банк бўлимига 2003 йилнинг 4 август куни 1-сонли хат билан мурожаат этиб, бир йил муддатга 400 минг сўм қисқа муддатли кредит ажратишини сўрайди. Унинг аризаси ва тақдим этган ҳужжатлари банкнинг кредит қўмитаси томонидан 2003 йилнинг 4 август куни кўриб чиқилади. М.Йўлдошевага бир йил муддатга 400 минг сўм банк кредит жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Яна шу куннинг ўзида банк ва хусусий тадбиркор ўртасида кредит шартномаси расмийлаштирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, банк томонидан ушбу кредит шартномасини тузиш ва хусусий тадбиркор М.Йўлдошеванинг кредит ажратиш бўйича берган аризасини кўриб чиқишда ҳам қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилган.

«Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини Миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби»нинг 2.6-бандига кўра кредит ажратиш бўйича банк томонидан тадбиркорнинг кредит ажратиш тўғрисидаги аризалари бир неча ойлар давомида рўйхатга олинмасдан, кредит ҳужжатлари тайёрлагани ҳолда тадбиркорларни сарсон қилишга йўл қўйилган. Яъни хусусий тадбиркор М.Йўлдошевага кредит ажратишда кредит таъминоти учун кафиллик шартномаси олинган бўлиб, ушбу кафиллик шартномаси кредит берувчи банк, кафиллик берувчи "Барҳаёт" фермер хўжалиги ва кредит олувчи хусусий тадбиркор М.Йўлдошева томонидан 2003 йилнинг 7 июл куни имзоланади. Хусусий тадбиркор М.Йўлдошеванинг кредит ажратиш тўғрисидаги аризаси орадан 27 кун ўтгандан сўнг, яъни 2003 йилнинг 4 август куни қабул қилинади. Бундан ташқари, банк томонидан маблағ миқдори кўрсатилмаган кафиллик шартномасига "Барҳаёт" фермер хўжалиги ва хусусий тадбиркор М.Йўлдошеванинг мухри ва имзоси қўйдириб олинади.

"Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар деҳқон хўжаликларини Миллий чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби"нинг 2.7-бандида кредит шартномаси тузилгандан сўнг кредит бўлими ходими муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда ссуда ҳисоб рақамини очиш тўғрисида бухгалтерияга кўрсатма бериши белгиланган. Банк томонидан ушбу тартибга риоя қилинмаган. Кредит шартномаси 2003 йилнинг 4 август куни тузилган бўлса-да, текшириш кунига қадар, яъни 114 кундан ортиқ вақт давомида хусусий тадбиркор М.Йўлдошевага ссуда ҳисоб рақами очиш учун кредит рақами ажратиб берилмаган.

Шунингдек, банк билан хусусий тадбиркор М.Йўлдошева ўртасида 2003 йилнинг 4 августида тузилган кредит шартномасида банк томонидан амалдаги тартибларга зид бўлган шартлар белгиланган. Яъни шартноманинг 6.1-бандида кредит шартномаси мижоз томонидан хомашё сотиб олиш учун шартнома кўрсатилгандан сўнг кучга кириши, 2.1-бандида эса шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг кредит маблағлари ажратиш белгиланган. Кредит шартномасининг 2.1-бандида эса Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 4 март куни рўйхатга олинган 907-сонли тартиб бўйича кредит маблағи ажратиш кўрсатилган.

Бундан ташқари, банк томонидан Адлия вазирлиги томонидан 2002 йилнинг 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳақида»ги Низом талаблари кўпол равишда бузилган. Хусусий тадбиркор М.Йўлдошеванинг 2003 йил 19 августда банкка тақдим этган 1-сонли тўлов топшириқномаси бўйича текшириш кунигача маблағлар ўтказиб берилмаган. 25 августда банкка тақдим этилган 02,03 ва 04-сонли тўлов топшириқномаларига банк томонидан маблағлар 2003 йилнинг 25 август куни ўтказилгани тўғрисида белги қўйилган. Амалда эса маблағлар 2003 йилнинг 30 август куни ўтказилган.

Наманган вилояти адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Миллий банкнинг Наманган вилоят бўлими бошқарувчиси номига 01-09-1639-сонли тақдимномани шу йилнинг 28 ноябр куни юборган эди.

Яқинда мазкур тақдимномага расмий жавоб хати олинди. Унда хусусий тадбиркор М.Йўлдошеванинг аризаси 2003 йилнинг 2 декабр куни қаноатлантирилиб, унга 400 минг сўм қисқа муддатли кредит ажратилгани маълум қилинган.

Маҳмуджон АБДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Saboq

МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим шартларидан бири тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдир. Ана шу мақсадда мамлакатимизда кўплаб қонунлар, Президент фармонлари, тегишли қарор ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу ўринда уларнинг ижроси қандай таъминланмоқда, деган савол туғилиши шубҳасиз. Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Адлия вазирлигининг махсус гуруҳи томонидан Сурхондарё вилояти маҳаллий ҳокимият ва назорат идоларида ўтказилган ўрганиш ўтказилди. Ўрганишда мазкур идоралар томонидан айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Масалан, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши вилоят ҳудудий Комиссияси томонидан ўтказилган мониторингларда жорий йилнинг 6 ойида 90 та субъектда текшириш ўтказилгани тўғрисида "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"га қайд этилмагани, яъни "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддаси талаби бузилгани аниқланган бўлса-да, қонунбузилишларга йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилмаган.

Бундан ташқари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан Адлия вазирлигида 1074-рақам билан давлат рўйхатига олинган "Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бузилиб, банклардан ҳар битта тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун алоҳида хатлар талаб қилиб олинган.

Туман ҳокимлари томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини юритмаган корхоналарнинг тугатилишида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Қарор ва мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талаблари қўпол равишда бузилиб, корхоналар суднинг қарорига асосан эмас, балки ҳокимлик ҳузуридаги махсус комиссиянинг хулосаларига асосан тугатиб юборилган. Масалан, Термиз тумани ҳокимининг 2002 йил 27 сентябрдаги 603-сонли қарори билан 33 та корхона, 2003 йил 13 августдаги 576-сонли қарори билан 82 та корхона тугатилган. Комиссия томонидан корхонани тугатиш масаласи ўрганиб чиқилганда ушбу корхоналарни фаолият юритиши учун уларга маълум муддат бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар берилмагани аён бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг маблағларини уларнинг розилигисиз жалб қилиш ҳолатларига ҳамон чек қўйилмаяпти. Масалан, Музрабод туман ҳокимининг 2002 йил 5 декабрдаги 428-сонли қарори билан туман ички ишлар бўлимининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 9 та ширкат хўжалиги, 5 та фермер хўжаликлари уюшмаси, битта хусусий фирмага жами 4500 минг сўм маблағ ўтказиб бериш белгиланган. Бундай қарорлар Термиз шаҳри, Узун ва Термиз тумани ҳокимликлари фаолиятида ҳам мавжуд.

Термиз шаҳри ва тумани солиқ идоралари томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддаси талабига зид равишда тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўловидан қарзи бўлмаса-да, "инкасса" талабномаси орқали тўловни ундириб олиш, бюджет тўловидан қарзи камроқ бўлса-да, қарз миқдоридан кўп миқдорда солиқ ундириб олиш каби қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаяпти.

Шўрчи тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан эса Солиқ кодексининг 3-моддаси талабларига зид равишда хўжалик юритувчи субъектларга 0,15 фоиз миқдорида устама қўлланилган. Масалан, туман ДСИнинг 2002 йил 30 ноябрдаги қарори билан "Жўра" фермер хўжалигига нисбатан 2001-2002 йилларда иш ҳақидан даромад солиғини ўз вақтида ўтказмагани учун 0,07 ва 0,15 фоизлик устама ҳисобида 11,4 минг сўм устама ундирилган. Солиқ кодексининг 3-моддасига мувофиқ 0,07 фоиз ҳисобида 5,3 минг сўм устама ҳисобланиши лозим эди. Солиқ кодексининг 134-моддасига биноан жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқиманда ҳамда тўланмаган жарималарни ундириш суднинг қарори асосида амалга оширилиши белгиланган. Бироқ Термиз шаҳар ДСИ томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг боқиманда қарзи мавжуд бўлмаса-да, уларнинг ҳисоб рақамларига "инкасса" талабномаси қўйилган. Термизлик якка тартибдаги тадбиркор Н.Хўжақуловнинг солиқдан 100.000 сўм қарзи мавжуд бўлган. Бироқ шаҳар ДСИ томонидан ноқонуний равишда "инкасса" талабномаси қўйиш йўли билан ундан уч юз минг сўм ундириб олинган. Н.Хўжақулов ортиқча олинган маблағни қайтариш ҳақида мурожаат қилганидан сўнггина икки юз минг сўмни қайтариш ҳақида туман молия бўлимига тегишли қарор тақдим этилган. Термиз шаҳар ДСИ томонидан 16 нафар якка тартибдаги тадбиркорлардан боқиманда қарзи мавжуд бўлмаса-да, "инкасса" талабномаси қўйиш йўли билан 1.357.147 сўмдаги маблағ ноқонуний равишда ундириб олинган.

Фуқаролик кодексининг 327-моддаси талабига биноан солиқ идоралари тадбиркорлик субъектларидан ғайриқонуний равишда ортиқча пул маблағларини олиб фойдалангани учун фойдаланган маблағлар миқдорича фоиз тўлаши лозим. Агар қарз суд тартибида даъво аризаси билан ундириб олинганда фоиз ставкаси даъво киритилган кундан ёки суднинг қарори чиқарилган кундан банк фоиз ставкасига қараб ундириб олинади. Солиқ идоралари ходимлари мазкур қонуний талабга тўлиқ риоя этиши шарт. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан солиқ ва тўловларни ноқонуний ушлаб қолиш масаласи алоҳида ўрганиб чиқилди ва белгиланган тартибда солиқ идораларига нисбатан даъво аризалари киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Айрим туман давлат солиқ инспекциялари томонидан маъмурий жавобгарликка тортиш учун асосий ҳужжат ҳисобланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга жарималар солинган. Масалан, Термиз тумани ДСИ томонидан "Тараққиёт", "Равшан", "Жамол" хусусий корхоналар раҳбарларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмаган. Бироқ шундай бўлса-да, улар маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга жарима солинган. Солиқ идоралари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар билан ҳуқуқбузарларни таништирмаслик, уларга баённома ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор нусхаларини бермаслик каби қонунбузилишлар ҳам содир этилган.

Давлат Санитария Назорат Марказини идоралари фаолиятида ҳам айрим қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд. Мисол учун айтадиган бўлсак, Узун тумани Давлат Санитария Назорат Марказининг 2002 йилда кредит беришга ариза билан мурожаат қилдим. Зарур бўлган барча ҳужжатларни унга топширдим. Бир миллион кредит оламан деб банкка қатнаб сарсон бўлдим. Ҳар борганимда ҳар хил баҳоналар билан мени қуруқ қайтараверишди. Кейинчалик бир миллион сўм 700 минг сўмга, 700 минг сўм 400 минг сўмга, 400 минг сўм 200 минг сўмгача тушди. Аммо пулдан дарак бўлмади. Пенсия пулларимни ҳам банкка қатнаш учун йўлкирага сарфлаб юбордим. Банкка топширадиган ҳужжатларнинг кўплигини айтмайсизми? Ололмаган кредитга икки бора солиқ тўлаганим эса дард устига чипқон бўлди. Хуллас, уч йилдан бери банкка қатнайвериб, ҳеч вақо ололмадим".

Мазкур ариза вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам, Тўрақўрғон туманидаги Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи хусусий тадбиркор Муҳаббат Йўлдошева ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Тўрақўрғон тумани бўлимига қисқа муддатли кредит ажратишини сўраб, 2002 йилнинг 29 август куни ариза билан мурожаат этган. Ушбу ариза банк бўлими томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талабларига зид равишда умумий кирим китобига кирим қилинмаган. Шу куни аризачига банк бўлими томонидан 871-сонли жавоб хати берилиб, Адлия вазирлиги томонидан 902-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини Миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби" талабларидан четга чиқиб, тадбиркордан тикувчилар малакаси ва улар тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этишни сўрашган.

Шундан сўнг хусусий тадбиркор Муҳаббат Йўлдошева банк бўлимига 2003 йилнинг 4 август куни 1-сонли хат билан мурожаат этиб, бир йил муддатга 400 минг сўм қисқа муддатли кредит ажратишини сўрайди. Унинг аризаси ва тақдим этган ҳужжатлари банкнинг кредит қўмитаси томонидан 2003 йилнинг 4 август куни кўриб чиқилади. М.Йўлдошевага бир йил муддатга 400 минг сўм банк кредит жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Яна шу куннинг ўзида банк ва хусусий тадбиркор ўртасида кредит шартномаси расмийлаштирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, банк томонидан ушбу кредит шартномасини тузиш ва хусусий тадбиркор М.Йўлдошеванинг кредит ажратиш бўйича берган аризасини кўриб чиқишда ҳам қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилган.

«Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини Миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби»нинг 2.6-бандига кўра кредит ажратиш бўйича банк томонидан тадбиркорнинг кредит ажратиш тўғрисидаги аризалари бир неча ойлар давомида рўйхатга олинмасдан, кредит ҳужжатлари тайёрлагани ҳолда тадбиркорларни сарсон қилишга йўл қўйилган. Яъни хусусий тадбиркор М.Йўлдошевага кредит ажратишда кредит таъминоти учун ка-

Собир КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

ГУВОҲЛАНТИРИШ НИМА?

Бирор иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда зарурат туфайли зудлик билан бир қатор тадбирлар амалга оширилиши мумкин. Ана шундай кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларидан бири гувоҳлантириш бўлиб, у жиноят изларини аниқлаш, одам танасини кўздан кечириш ва унда бўлган алоҳида белгиларни ҳамда жиноят иши бўйича доимий аҳамиятга эга бошқа белгиларни топишга қаратилган тадбирдир.

Бу тергов ҳаракатини терговчи, суриштирувчи, суд ўтказади ва холислар иштирокида одам танасини кўздан кечириб, жиноят иши бўйича доимий аҳамиятга эга бўлган аломатлар ва изларни аниқлайди. Бундан ташқари, тергов ҳаракатини янада сифатли ўтказиш мақсадида мутахассис — шифокор ҳам чақирилиши мумкин. Чунки улар одам баданидаги жиноят излари ёхуд алоҳида белгиларни тиббиёт нуқтаи назаридан аниқ ва тўғри текшириб, аниқлаб беради.

Тергов ҳаракатини ўтказиш қуйидаги асослардан иборат: одам баданидаги иш учун аҳамиятли бўлган хусусият ва аломатлар, алоҳида белгилар, унинг жисмоний ривожлангани тўғрисидаги маълумотлар, доғлар, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда (агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса) гувоҳлантириш ўтказилади. Шунингдек, экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ҳам гувоҳлантириш ўтказилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, гувоҳлантириш жараёнида гувоҳлантирилаётган шахснинг кийими ва пойафзали ҳам кўздан кечирилса, ушбу ҳаракатлар битта баённомада қайд этилади.

Гувоҳлантириш барча тергов ҳаракатлари сингари тайёргарлик, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тадбиқ этиш ҳамда назорат-тасдиқлаш босқичларидан иборат.

Тайёргарлик босқичида терговчи, суриштирувчи тергов ҳаракатини ўтказиш учун керакли бўлган ташкилий чоралар кўради. Иккинчи босқичда эса тергов ҳаракатига келган иштирокчиларнинг шахсини текширади ва шундан сўнг уларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Шу ўринда айтиш лозимки, гувоҳлантирилиши лозим бўлган шахслар ЖПКнинг 143-моддасида аниқ кўрсатилган. Яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилиши мумкин бўлиб, гувоҳ эса ўзининг кўрсатмалари тўғрилигини текшириш учун гувоҳлантирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Гувоҳни терговчи ўз ташаббуси билан гувоҳлантириши мумкин. Бу тадбир гувоҳнинг кўрсатмалари воқеликка тўғри бўлишини текшириш мақсадида ўтказилади. Агар гувоҳлантириладиган шахс вояга етмаган, соқов, кар, кўзи ожиз ёки унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарур бўлган тақдирда ёки жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ҳолларда бу тергов ҳаракатида ҳимоячининг иштирок этиши лозим бўлади.

Гувоҳлантириладиган шахс давлат тилини билмаса ва тергов айнан шу тилда олиб бориладиган бўлса, у ҳолда бу тергов ҳаракатида иштирок этиши учун таржимон ва унинг ҳимоячиси таклиф этилиши зарур. Вояга етмаган шахс гувоҳлантирилганда эса ўқитувчи иштирок этади.

Қонунчиликда соқов ва кар шахсларни гувоҳлантиришда тегишли таржимонлар ҳамда ҳимоячиларнинг иштирок этиши шартлиги белгиланган. Агар гувоҳлантириладиган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ гувоҳлантириш ўтказадиган шахсга нисбатан ёки гувоҳлантиришда иштирок этаётган шифокор мутахассис, таржимон ёки холисга раддия берса, у ҳолда бу қончалик асосли бўлишини терговчи аниқлаши керак.

Гувоҳлантиришни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирувчига эълон қилинади ва гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига ўзларининг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади.

Гувоҳлантириш ўтказиш учун терговчи, суриштирувчи ёки суд икки нафар холисни, зарур бўлса, суд тиббиёт соҳасидаги мутахассисни таклиф қилиб, хизмат хонасида гувоҳлантириладиган шахсга гувоҳлантириш ҳақидаги қарорни, суд эса ажримни ўқиб беради ва гувоҳлантириладиган шахс ушбу қарор билан танишиб чиққани тўғрисида қарорга ўз имзосини қўяди. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд холисларга тиббиёт соҳасидаги мутахассис ва гувоҳлантириладиган шахсга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Гувоҳлантирадиган шахснинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг процессуал мақомига боғлиқ.

Гувоҳлантириладиган шахс баданини шифокор ва терговчи холислар иштирокида кўздан кечиради ҳамда тегишли белгилар, излар, доғлар ва бошқаларни аниқлаб, уларни баённомада қайд этади. Шунингдек, гувоҳлантириладиган шахсни фото ёки видео тасвирга олади.

Терговчи тергов ҳаракатида иштирок этган қатнашчилардан бирон-бир шикоят, ариза ёки эътирозлар борлигини аниқлайди. Агар шундай эътироз, шикоят, аризалар тушадиган бўлса, у ҳолда терговчи бундай мурожаатларни баённомада қайд этиш шарт.

Кўриниб турибдики, гувоҳлантириш дастлабки тергов жараёнида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турувчи процессуал ҳаракатдир.

Зафар АМИРОВ,
Маҳмуд ЭГАМБЕРДИЕВ

E`tirof

ҲАЁТ МЕҲВАРИ

Бағрикенглик ва кечиримлилик халқимизга хос бўлган азалий фазилат ҳисобланади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг бундай қадриятлари янада бойитилмоқда. Бунга Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаётда йўлдан адашиб, жиноятга қўл урган шахсларни авф этиш тўғрисидаги Фармонларини мисол сифатида айтиб ўтиш жоиз.

Таъкидлаш лозимки, **"Амнистия тўғрисида"**ги Президент Фармонлари хато йўлларга кириб қолган кўплаб юртдошларимизни тинч ҳаётга қайтарди. Айниқса, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этган ёшлар тақдирида мазкур фармонлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жазодан озод этилиши билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ёшларнинг ўз оиласи, мактаби, ўқиш ёки иш жойига қайтиш имконини яратди. Бу эса жамиятда инсонпарварлик, аҳиллик ва меҳр-мурувват туйғуларини тарбиялаш ҳамда қарор топтиришга ҳисса қўшмоқда.

"Амнистия тўғрисида"ги Президент Фармонларининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, жиноятга қўл урган одамга ҳам инсон сифатида муносабатда бўлинаётир. Зеро, ким бўлишидан қатъи назар, инсонга инсондай қараш лозим. Ана шу инсонпарварлик тамойили жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Бундай бағрикенглик ва инсонпарварлик инсонларни эзгуликка бошлайди.

Биргина Конституциянинг 11 йиллиги муносабати билан чиқарилган **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармон хусусида тўхталадиган бўлсак, у ўзига хос миллий қадриятларимизни жо этгани билан алоҳида эътиборга молик.

Ушбу Фармонда жазони ижро этиш жойларида бўлган маҳкумлар, вояга етмаганлар, аёллар, ногиронлар, 60 ёшдан ошган эркакларнинг оиласи, ўқиш ва ишига қайтарилаётгани бунинг исботидир.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Президентимизнинг бағрикенглиги жамиятда меҳр-оқибат, биродарлик туйғуларини қарор топтиришга, турмуш сўқмоқларида адашган инсонларнинг тинч ҳаёт йўлига тушиб олишига ёрдам бермоқда. Зеро, кечиримлилик ва меҳр-мурувват каби фазилатларни ҳаёт меҳвари десак, адашмаймиз.

Ширин ҲАКИМОВА,
талаба

Qonun dastagi

Халқимизда "гапни гапир уққанга..." деган нақл бор. Бу қадимий нақл ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам.
Хўш, гапни уқмаганларга қандай жазо қўлланилади? Бу саволга қуйида жавоб топасиз.

ГАП УҚМАСЛИК ЖАЗОСИ

Жиззах вилояти адлия бошқармаси Арнасой туман архитектура бўлими бошлиғи Юсуф Худойқулов, ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Ўктам Хушвақтов, статистика бўлими бошлиғининг муовини Ваҳоб Лутфуллаевларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тўпланган материалларни жиноят ишлари бўйича туман судига тақдим этган эди. Жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди ана шу маъмурий ишларни кўриб чиқди. Суд фуқаролар Ю.Худойқулов, У.Хушвақтов, В.Лутфуллаевлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 43-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деган тўхтамга келди. Шу моддага асосан ҳуқуқбузарларни жарима жазоси билан жазолаш тўғрисида қарор чиқарди.

Битта туманнинг учта нуфузли идораси раҳбари ҳуқуқбузар деган ном олиб, жарима тўлашга мажбур бўлганига уларнинг ўзлари сабабчи. Мавжуд қонунларга амал қилмагани, вазифасига совуққон муносабати уларнинг суд қарори билан жазоланишига олиб келди.

Аслида туман архитектура, ер ресурслари хизмати ва статистика бўлимларида тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан ўрганиш ўтказиш Жиззах вилояти адлия бошқармаси иш режасига киритилган эди. Шунга асосан дастлаб туман архитектура бўлими фаолияти ўрганилди.

Архитектура бўлими бошлиғи Ю.Худойқулов фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган ариза ва шикоятларни рўйхатга олиш китобини юритишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган. У фуқаролар М.Насриддиновнинг боғ ва паррандачилик кичик корхонаси, Х.Эргашевнинг бозор қуриш, Б.Бобоевнинг савдо дўкони, У.Бобоевнинг хусусий тегирмон барпо этиш учун ер майдони ажратишни сўраб берган аризаларини қабул қилиб олган. Аммо ёзма мурожаатларни рўйхатга олмасдан, белгиланган муддатда эгаларига жавоб қайтармаган.

Туман ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи Ў.Хушвақтов ҳам "бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилида иш тутган. "Мирзабек" фермер хўжалиги раҳбари М.Кулматов ер майдонидан боғ барпо қилиш учун ўн фоиз ер майдони ажратиб беришларини сўраб бўлимга ариза ёзган. Тадбиркор Ў.Хушвақтовнинг йўлини тўрт ой пойлаган. Фермер хўжалиги раҳбарининг мурожаати қонун талаби бузилиб, анча кеч бажарилган бўлсада, унга вақтида ёзма жавоб берилмаган.

Тартибга биноан тадбиркор бўламан деган фуқаро статистика бўлимига ном беришларини сўраб ариза топширдими, уч кунлик муддатда мурожаат ҳал қилиниши керак. Фуқаро Қ.Муҳаммадовнинг аризаси муддати В.Лутфуллаев томонидан асоссиз равишда чўзиб юборилган. Ариза муаллифига жавоб ҳам берилмаган.

Ўхшашлик шундаки, ҳар уччала мутасадди шахс томонидан **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талаблари бузилган. Суд қарори билан улар жарима тўлашди. Тўғри, бу билан уларнинг иқтисодий аҳволи танглашиб қолмас. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор. Гап шундаки, бу ҳол туман архитектура, ер ресурслари хизмати ва статистика бўлимларида иш қониқарли эмас экан, деган хулосани туғдиради. Ана шуниси ёмон. Нима дедингиз?

Носир МАЖИДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Гурунг

Тахтакўпирда фожиа рўй берди. Юз берган фалокат даҳшатини яққолроқ тасаввур этмоқ учун уюшган гуруҳ аъзолари номларини бирров келтириб ўтамиз.

Jinoyat va jazo

ЖИЯННИНГ КАСОФАТИ

СУД ОЧЕРКИ

Мана улар:

1. Аяпберген Есбергенов. 1961 йилда Кегейли туманида туғилган. Ўрта махсус маълумотли. Оилавий турмуши бузилган. 1985 йил 8 октябрда Кегейли туман суди томонидан ЖК 88-моддаси "В" банди билан 8 йилга, 1996 йил 2 февралда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 109-моддаси 2-қисми билан 1 йилга, 2002 йил 6 сентябрда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 2-қисми "А" банди билан 7 йилга жиноий жавобгарликка тортилган.

2.Ўнғарбой Алланиёзов. 1958 йилда Кегейли туманида туғилган. Ўрта махсус маълумотли. 1993 йил 22 октябрда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 125-моддаси 3-қисми билан 7 йилга, 2000 йил 5 январда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 3-қисми "А", "Б" бандлари билан 5 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилган.

3. Алишер Аллаёров. 1968 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Ўрта махсус маълумотли. 1986 йил 36 октябрда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 126-моддаси 2-қисми билан 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган.

4. Турсунбой Сапаров. 1979 йилда Тахтакўпир туманида туғилган. 1998 йил 15 декабрда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 138-моддаси 1-қисми билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, "Амнистия тўғрисида"ги Фармонга асосланиб, жазони ўташдан озод қилинган.

5. Ережеп Шаудиров. 1966 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Ўрта махсус маълумотли. 1987 йил 21 апрелда Кегейли туман суди томонидан ЖК 94-моддаси 1-қисми билан 4 йилга, 1996 йил 19 июлда Қўнғирот туман суди томонидан ЖК 81-моддаси билан 9 йилга, 2002 йил 6 сентябрда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 169-моддаси 2-қисми "А" банди билан 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

6. Турғанбой Ерназаров, 1955 йилда Кегейли туманида туғилган. Ўрта махсус маълумотли. Оилавий турмуши бузилган. 1997 йил 7 апрелда Нукус шаҳар суди томонидан ЖК 277-моддаси 1-қисми билан 2 ойга озодликдан маҳрум қилинган.

Иқрор бўлинг: олти нафар жиноятчининг ҳам муқаддам судланганлиги юз беражак фожеанинг даҳшатини эслатиб тургандек бўлади. Мазкур уюшган гуруҳ аъзоларининг айримлари ҳатто бир эмас, икки-уч марота жиноятга қўл уриб қонуний жазога тортилган. Аммо "букрини гўр тузатади" деганларидек, улар ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқариб олмаган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

Ривожланган давлатлардан бири бўлган АҚШда айблов ва тергов ишларини олиб боришнинг ўзига хос тизими шаклланган. Унинг фаолияти мамлакат Адлия вазирлиги фаолияти билан бевосита боғлиқ.

АҚШ ТЕРГОВ ИДОРАЛАРИ

Адлия вазирлиги (департамент) вазир — АҚШ бош атторнейи томонидан бошқарилади. Адлия вазирлиги бошқа вазифалар билан бир қаторда федерал қонунларининг ижроси устидан назорат олиб боради, федерал қонунчилигида кўзда тутилган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатади.

АҚШ адлия вазири федерал айблов ҳокимиятининг бошлиғи сифатида нафақат марказий бошқарувга, балки унга бўйсунувчи ҳудуд прокурорларига ҳам бошчилик қилади. Штат прокурори эса айбловчи-атторней сифатида ўзига ҳудудида содир этилган, федерал қонунчиликда кўзда тутилган жиноятларни назорат этади.

Штат прокуратуралари ўз бўйсунувида прокурорлари бўлган штат бош атторнейи (прокурори) томонидан бошқарилади. Штат прокуратуралари федерал прокуратураларга бўйсунмайди ва штатларнинг ҳокимияти назорати остида бўлади.

АҚШ маҳаллий прокуратураларида турлича номланадиган мансабдор шахслар фаолият юритиб, улар айблов вазифаларни амалга оширади. Маҳаллий прокурор лавозимлари жуда майда бўлган маъмурий-ҳудудий бирликлар, яъни графликлар, шаҳарчаларда ҳам мавжуд. Маҳаллий прокурорлар халқ томонидан сайланиб, губернатор ёки штат бош атторнейи томонидан тайинланади. Баъзан уларни судьялар ҳам танлашади.

Маҳаллий ҳудудларда аҳоли зич жойлашганлиги сабабли маҳаллий прокурорлар ихтиёрида кўплаб ваколатлар мавжуд. Маҳаллий прокуратураларда ишловчилар сони кўп бўлишига қарамасдан, аксарият ҳолларда прокурорлар барча жиноят ишлари билан шуғулланишга улгурмайдилар. Шунинг учун ҳам айбловни амалга оширишни қуйи судларда полиция амалдорларига топширишади. Аҳоли кам жойлашган ҳудудларда эса прокурорнинг бир ёки икки нафар ёрдамчиси фаолият юритади.

Прокурор дастлабки тергов жараёнида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки прокурор кўплаб асосий масалаларни ўз ихтиёрига мувофиқ ҳал этади. Бошқача айтганда, кам аҳамиятли жиноятларга доир ишларда жиноий таъқибни қўзғатиш лозим ёки йўқлигини, айблов қандай хусусиятларга эга бўлиши, далилларнинг етарли эмаслиги туфайли иш тугатилиши мумкинми ёки йўқми каби масалаларни прокурор шахсан ҳал этиш ваколатига эга.

Дастлабки терговни полиция, прокуратура, катта ҳайъат, коронер ва шундай ҳуқуқларга эга бўлган турли ҳукумат идоралари амалга оширади. Полиция уч асосий турга бўлинади: федерал полиция, штат полицияси ва маҳаллий полиция.

АҚШ адлия вазирлиги таркибига кирувчи ва унга бўйсунувчи Федерал Қидирув Бюроси мамлакатда нуфузли идора ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси федерал қонунларининг бузилиши ҳолатларини тергов қилиш ва жиноий таъқиб қўзғатишдан иборат. Федерал Қидирув Бюроси АҚШнинг бош контрразведка хизмати сифатида умумий жиноятларни тергов қилиш билан ҳам шуғулланади. Жойларда Федерал Қидирув Бюросининг 60 дан ортиқ бўлимлари ташкил этилган. Бундан ташқари, мамлакат шаҳарлари ва маҳаллий ҳудудларида унинг агентликлари ҳам фаолият кўрсатади. Шу боис муайян федерал полиция хизматининг ваколати унинг фаолияти йўналишига боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир полиция идораси учун у тергов қилиши лозим бўлган жиноятлар кўзда тутилган федерал жиноят қонунлари рўйхати белгиланган. Штатларда федерал тергов ва тегишли идораларнинг ваколатлари қатъий чегаралаб қўйилмаган. Чунки баъзи бир жиноятлар учун жавобгарлик ҳам федерал қонунлар, ҳам штат қонунларида кўзда тутилган бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда АҚШ Конгресси федерал идораларга ўта хавфли жиноятларни тергов қилишга имкон бериш мақсадида федерал жиноят қонунчилиги таркибига бир қатор қўшимча жиноят таркибларини киритди.

Штатлар доирасида бир қанча полиция тергов идоралари мавжуд бўлиб, уларнинг ваколатлари бир-бирини тўлдириб туради. Масалан, Калифорния штати бошқарув муассасасида полиция ваколатига эга бўлган 100 дан ортиқ идора ва агентлик фаолият кўрсатади. АҚШ маҳаллий полицияси таркибида шаҳарларда йирик полиция тузилмалари, мансабдор шахсларнинг катта бўлмаган гуруҳлари — шерифлар, маҳаллий ҳудудларда эса констебллар мавжуд. Энг майда графликларда ҳам маҳаллий полиция ҳудудий хусусиятлари вазифасига кўра алоҳида фаолият юритади.

Прокурор ва унинг ёрдамчилари бевосита терговда иштирок этади. Прокурор ва полиция терговини қўшиб олиб боришнинг турли усуллари мавжуд. Прокурор полиция маълумотларига тўлиқ таяниши ёки улардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланиши мумкин. Полиция тергови тугаганидан сўнг унинг натижаларини тўлдириш мақсадида баъзан прокурор тергов ҳаракатларини ҳам амалга оширади. Аниқроқ айтганда, прокурор полиция хулосаси билан келишмасдан мустақил равишда тергов ўтказиш ҳуқуқига эга. Махсус тергов бўлинмалари нафақат адлия вазирлиги таркибида, балки штат прокуратуралари ва маҳаллий прокуратураларда ҳам мавжуд.

Графликларда эса дастлабки тергов билан коронер шуғулланади. Унинг лавозими сайланадиган лавозимдир. Ташкилий жиҳатдан у полиция ва прокуратурадан мустақил ҳисобланади. Коронер зўравонлик натижасида ўлим содир бўлган, унинг сабаблари шубҳали кўринган ҳолатларни тергов қилади. Баъзи штатларда коронерга шубҳали кўринган вазиятларда ёнғин рўй берганлиги тўғрисидаги ишларни тергов қилиш топширилади.

Дастлабки тергов ўтказиш ваколатига бошқа доимий ёки вақтинчалик ҳукумат идоралари ҳам эга. Федерал савдо палатаси, солиқ хизмати шулар жумласидандир. Федерал Қидирув Бюросидан фарқли равишда, улар учун дастлабки тергов — асосий фаолиятига қараганда қўшимча вазифа бўлиб ҳисобланади. Доимий ёки вақтинчалик ҳукумат идоралари полиция ва прокуратура идораларига нисбатан гувоҳларни мажбурлаб келтириш, ҳужжатларни талаб қилиб олишда кенгроқ ваколатларга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда Адлия вазирлигига бўйсунувчи айблов ва дастлабки тергов идоралари ўзига хос усулда ташкил этилган ҳамда уларнинг ҳар бири ўз ваколатлари доирасида фаолият юритади.

Дилнавоз БЕКМАТОВА,
тадқиқотчи

Tahlil va saboq

Биз бу саволга жуда кўп маротаба жавоб излаб кўрганмиз ва ҳар гал қаерда амалдаги қонун талаблари бузилса, баъзи мутасадди раҳбарлар ўз хизмат вазифаларига лоқайд муносабатда бўлса, ўша жойда шикоятбозлик пайдо бўлади, деган хулосага келганмиз. Аминмизки, ушбу хулоса кўпчиликни қаноатлантиради. Бундай дейишимизга сабаб...

ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

"ҲАҚИМНИ БЕРИШМАЯПТИ!"

Келинг, аввал қўлимиздаги шикоят-аризаларни таҳлил қилиб кўрайлик. Ана шу таҳлил жараёнида бу шикоятларнинг ёзилиши сабабларига ҳам тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Жиззах шаҳар, "Оққўрғонлик" маҳалласидаги Раҳмат Шоназаров номидаги кўчанинг 21-уйида истиқомат қилувчи Тўйчибой Давжоновнинг шикояти мазмуни қуйидагича:

"...1999 йилда Жиззах туманидаги "Хайробод" матлубот савдо акциядорлик жамиятидан 14-ЕССА63322А-сонли сертификат орқали 132 та акция сотиб олган эдим. Шу вақтгача улар учун бир сўм ҳам деведент ололганим йўқ. Акциядорлик жамияти раҳбарлари қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Илтимос, деведентларимни олишга ёрдам берсангизлар..."

Мана шу қисқа сатрларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, фуқаро қонуний ҳақини ололмай овора бўлиб юрибди. Фуқарога деведент бериши керак бўлган акциядорлик жамияти раҳбарлари эса ўз ишларига лоқайдлик ва бепарволик билан қараш оқибатида унинг аризабозлик қилиши учун шароит яратиб беришмоқда. Агар Т. Давжонов акциядорлик жамиятидан белгиланган вақтда ўз қонуний ҳақини олганида, табиийки, шикоят ёзмас эди. Демак, ушбу шикоятнинг ёзилишига амалдаги қонунларнинг бузилгани ва мутасадди раҳбарларнинг муаммога панжа орасидан қарагани сабаб бўлган.

Умид қиламизки, мазкур муаммо тез орада ўзининг ҳаққоний ечимини топади.

ШАРТНОМАНИНГ ШИРКАТГА АЛОҚАСИ ЙЎҚМИ?

Бу шикоятни бизга Тошкент вилояти, Қуйи-Чирчиқ тумани, "Меҳнатобод" ширкат хўжалигининг 4-бригада аъзоси Норбуви Йўлдошева ёзган:

"2000 йилда ўғлим Ҳусниддин, келиним Паризод, қизим Раъно ва мен "Меҳнатобод" ширкат хўжалигидан 9,5 гектар ер майдонини 10 йил муддатга ижарага олдик. Бизга ажратилган ер қаровсизлиги оқибатида ҳосилдорлиги камайиб кетган экан. Уни бегона ўтлардан тозалаш учун агротехника талабларига кўра уч марта чопиқ қилиниши белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан, олти марта чопиқ қилдик. Қилган меҳнатларимиз зое кетмади. Шартномада белгиланган режани бажардик. Лекин ширкат хўжалиги раҳбарлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармадилар. Йил давомида бор-йўғи бир марта, у ҳам бўлса, гектарига 2000 минг сўмдан, жами 19.000 сўм иш ҳақи олдик. Ижара шартномасида кўрсатилган 560 килограмм пахта ёғини ҳам ололмадик.

Шунга қарамасдан, 2001 йилда ҳам пахта экдик. Шартномада кўрсатилган режани бажардик. Афсуски, яна ширкат хўжалиги раҳбарлари ўз зиммаларига олган мажбуриятни "унутиб" қўйишди. Бир йиллик меҳнатимиз учун ҳар гектар ерга бир марта 1000 сўмдан маош ва икки юз килограмм буғдой олдик. 2001 йилда ҳам ижара шартномасида кўрсатилган 921 килограмм пахта ёғи бизга насиб қилмади.

2002 йил ҳам 9,5 гектар ерга пахта уруғи қададик. Баҳор серёғин келгани туфайли 3,5 гектарни қайта экдик. Мен меҳнат ва машаққатимиз ҳақида гапириб ўтирмайман. Биз ҳосилни қандай қийинчиликлар эвазига етиштираётганимизни туман ва ширкат хўжалиги раҳбарлари жуда яхши билишади. Бироқ 2002 йилда ҳам ҳар бир гектар ерга 1000 сўмдан — жами 9500 сўм иш ҳақи ва ҳар бир ишловчи бошига 100 килограммдан — жами 400 килограмм буғдой олдик...

Ўз ҳақимизни талаб қилиб ширкат хўжалиги ва туман раҳбарларига кўп маротаба мурожаат этдик. Лекин мурожаатларимиз жавобсиз қолавергач, 2003 йилнинг 25 августида Қуйи-Чирчиқ туман прокуратурасига ариза ёздик. Шундан сўнг туман прокуратураси аралашуви билан ширкат хўжалиги раҳбарлари ўғлим Х. Йўлдошевга 500 килограмм шоли ва 200 килограмм пиёз беришди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бу шикоят хатини ўқигач, шундай ҳақли савол туғилади: ижарачи ширкат хўжалиги билан тузилган ижара шартномаси шартларини тўлиқ бажарса-ю, ширкат хўжалиги раҳбарлари ўз зиммаларидаги мажбуриятни бажаришга келганда, лоқайдлик қилса, буни қандай тушуниш керак?

Демак, бу муаммонинг келиб чиқишига бир томоннинг лоқайдлиги, оддий одамларнинг меҳнатига эътиборсизлик билан қараши сабаб бўлган.

Ўйлаймизки, ширкат хўжалигининг мутасадди раҳбарлари бу шикоят хатидан тегишли хулоса чиқариб олишади.

"ЕР АЖРАТИЛДИ"

Албатта, газетхонлардан таҳририятимизга келаётган барча хатларни газета саҳифаларида чоп этиш имкони йўқ. Шунинг учун айрим ҳолларда бизга ёрдам сўраб мурожаат қилган муштарийларимизнинг мактубларини мутасадди идоралар эътиборига ҳавола қиламиз. Мана шундай мактублардан бирини Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Янгиобод кўчаси 3-уй, 10-хонадонда истиқомат қилувчи Гулсара Деҳқонова йўллаган эди. Мактубда ёзилишича, у уй-жой қуриш учун Китоб туман ҳокимига бир неча марта мурожаат қилган. Лекин барча мурожаатлари ҳеч вобсиз қолган. Шундан сўнг у таҳририятимизга шикоят хати ёзган. Таҳририят Г.Деҳқонованинг шикоят-аризасини кўриб чиқиш учун Қашқадарё вилояти ҳокимлигига жўнатган эди. Яқинда вилоят ҳокимининг ўринбосари О. Худойназаровнинг имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

"Вилоят ҳокимлиги Китоб тумани Янгиобод кўчаси, 3-уй, 10-хонадонда яшовчи Г. Деҳқонованинг таҳририятга уй-жой сўраб ёзган аризаси бўйича қуйидагиларни маълум қилади. Ариза туман ҳокимлиги ва туман уй-жой комиссияси аъзолари иштирокида ўрганиб чиқилган.

Туманда 1987 йилдан буён уй-жой қурилмаётгани тушунтирилиб, фуқаро Г. Деҳқонованинг оилавий шароити ночорлигини ҳисобга олиб, унга туман ҳокимининг 2003 йил 29 октябрдаги Х-1016-10-сонли қарорига асосан "Китоб" ширкат хўжалигининг шаҳар билан чегарадош ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилган.

Фуқаро Г. Деҳқонованинг якка тартибда уй-жой қуриши учун хўжалик ички имкониятларидан фойдаланиб амалий ёрдам бериш "Китоб" ширкат хўжалиги зиммасига юклатилган".

Бор-йўқ гап шу. Агар Китоб туманидаги мутасадди раҳбарлар Г. Деҳқонованинг арзига ўз вақтида қулоқ солганларида эди, у тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилмаган бўларди. Демак, таҳририят ҳам, вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар ҳам бекордан бекорга овора бўлишмасди. Афсуски, фуқаронинг мурожаатига ўз вақтида эътибор қилмаган бир раҳбарнинг хатоси учун шунча оворагарчиликларга йўл қўйилди.

Тўғри, хато тузатилди. Бизга мактуб йўллаган муштарий таҳририятнинг ёрдами билан уй-жой участкаси олди. Лекин мана шу оворагарчиликнинг олдини илгарироқ олиш мумкин эди-ку?!.

"АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ"

Зукко муштарийларимизнинг ёдида бўлса, газетамизнинг шу йил 16 декабр сонида журналист Рустам Худойқулнинг **"Вафина нега овора бўлди?"** сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Тошкент вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси раҳбарларининг матбуотга бўлган ҳурматига минг раҳматки, мақола чоп этилгач, орадан бир ҳафта ўтмай бошқарма бошлиғи В. Каримовнинг имзоси билан қуйидаги жавоб мактубини олдик:

"Инсон ва қонун" газетасининг 2003 йил 16 декабр кунга сонида чоп этилган "Вафина нега овора бўлди?" деб номланган мақола Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Бўстонлиқ тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚҚ бўлими ходимлари И. Худоёров ва А. Салимовлар томонидан 2003 йилнинг 21 май куни Бўстонлиқ туманида фаолият кўрсатаётган "Мария" хусусий фирмасига қарашли дўконда ўтказилган текширишда ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан, текширув ҳужжатларини расмийлаштиришда процессуал хато-камчиликларга ва сифатсиз текширув ўтказилишига йўл қўйилганлиги учун уларга нисбатан интизомий жазо қўлланилди.

Келгусида текширув ҳужжатларини расмийлаштиришда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар белгиланди".

Демак, қонун бузилишига йўл қўйган айбдорлар жазоларини олдилар. Бир сўз билан айтганда, ҳақ ўз ўрнида қарор топди.

Ислом ҲАМРО,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil va saboq

Urf-odatlar

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАЕРДА ҚАНДАЙ КУТИШАДИ?

Янги йил байрами қачондан бошлаб нишонланади, деган савол сизни қизиқтирса керак? Тарихий маълумотларга кўра, қадимги Римда Янги йил байрами март ойида нишонланган. Сабаби — шу пайтдан бошлаб, деҳқончилик ойи бошланган. Шунинг учун ҳам Янги йилни римликлар "авив" (бошоқ) деб аташган. Милодий 45 йилдан бошлаб Юлий Цезарь буйруғи билан Янги йил қиш фаслининг 40 чи кунида нишонлана бошланган. Шу куни ҳамма бир-бирини табриклаган.

Францияда Янги йилни 755 йилдан бошлаб нишонлашади. Бунинг устига бу мамлакатда Янги йилни икки маротаба нишонлашган. Биринчи байрамни 25 декабр, иккинчиси эса 1 март куни тантана қилинган. 1654 йилда француз қироли Карл IX Янги йилни 1 январда нишонлаш тўғрисидаги фармонни эълон қилди. Германияда эса мазкур байрамни XVI асрдан бери нишонланади.

Россияда Янги йил 1492 йилдан бошлаб нишонланади. Рус подшоси Иоанн III фармони билан 1 сентябр куни ҳамма йиғилиб, байрамни кутиб олган. Нега биринчи сентябр? Сабаби шу куни бутун мамлакат бўйлаб солиқ йиғилган. 1698 йилда нишонланган Янги йил байрамида 20 минг нафар киши иштирок этган экан. Тарихий манбаларда ёзилишича, Россияда Янги йил замбараклар гумбури остида кутиб олинган. Россияликлар наздида, замбарак овози ёвузликни "ҳайдар экан".

Янги йил байрамининг туб моҳияти битта: айни шу куни эски йил тугаб, янги йил бошланади. Бироқ дунё халқлари бу байрамни турлича тарзда кутиб олишади. Масалан, Бразилияда Янги йил замбараклар овози билан кутиб олинади. Замбарак овозлари эшитилиши билан одамлар бир-бирларини табриклай бошлайди. Бразилияликларнинг айтишича, замбарак отилаётган пайт киши севган одамини қучоқлаб олса, у билан бутун умр бахтли бўлади.

Африкада Янги йил ўзгача кутилади. Кот-д-Ивуар ерларида байрамни оловлар қуршовида қарши олишади. Улардаги тушунчага кўра, олов бахт келтирар экан. Марказий Африка аҳолиси эса Янги йилни чўмилиб кутиб олади. "Янги йилни тоза бўлиб кутиб олиш керак", дейишади улар.

Зимбабвье қабилалари эса Янги йилни тухум истеъмол қилиш билан қаршилайдилар. Чунки бу қабилаларда тухум муқаддас ҳисобланади. Жанубий Африка ҳудудларида Янги йилни рақс базми билан кутиб олишади. Маълумотларга қараганда, баъзи одамлар ҳушдан кетгунча рақс тушаркан!

Хитойда Янги йилга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Уй бекаси турли хил таомлар тайёрлайди. Қизиғи шундаки, Янги йилга олти соат қолганда хитойликлар эшикларини очишмас экан. Шунингдек, эшикларни қизил тасма билан беркитиб қўйишади. Хитойликларнинг айтишича, қизил боғлағич уйдаги бахт ва баракани кўчага олиб чиқмайди.

Кореяда Янги йил куни ҳеч ким ухламайди. "Ким ухласа, унинг бахти ҳам йил бўйи ухлайди" дейилади халқ мақолида. Шунинг учун ҳам аҳоли Янги йилни асосан кўчада ўтказади. Қизлар рақс, ўғил болалар эса турли хил ўйинлар билан банд бўлишади.

Ганада Янги йил куни ҳамма ярашиши шарт. Янги йил куни ҳамма бир-бирини кечиради. Соат ўн иккига бонг уриши билан ҳамма қичқира бошлайди. Ганаликларнинг айтишича, ким кўп қичқирса, ўша кўпроқ бахтли бўлар экан.

Италияда ҳам Янги йил куни ҳамма бир-бирига баланд овоз билан мурожаат қилади. Қизиғи, одамлар эски буюмларини кўчага чиқариб ташлашади. Италияликларнинг фикрича, эски буюмлар бахтсизлик келтиради. Ҳамма бир-бирини пицца ва ширинликлар билан сийлайди. Италияликлар Янги йил куни қуритилган узум ҳам истеъмол қилишади.

Испания урф-одатларига кўра, ҳамма шаҳардаги марказий майдонга йиғилади. Мадридда ҳамма соат ўн икки бўлиши билан ўн иккита узум донасини ейиши шарт. Бу келажакдаги келадиган ҳар бир ойнинг омад қуши ҳисобланади. Янги йил куни асосан қўй гўштидан тайёрланган таомлар истеъмол қилинади. Янги йил куни саримсоқ ейиш ман қилинган. Саримсоқ ҳиди байрам куни бахтсизлик келтиради, деган тушунча мавжуд. Ширинликларни эса жуда кўп истеъмол қилишади.

Руминияда Янги йилни классик қўшиқлар айтиш билан кутиб олишади. Эчки кийимини кийган болакайлар уйма-уй юриб, ширинликлар йиғишади. Бу ерда эчки бахт белгиси ҳисобланади.

Грецияда асосан меҳмонга боришади. Меҳмонга кетаётган одам ўзи билан оғир тош олади. Меҳмоннинг уйига келиши билан уй эгасининг эшигига тош отиб, қуйидаги гапларни айтади: "Уй эгасининг бахти худди шу тошдек мустаҳкам бўлсин!" Грецияликларнинг айтишича, бу ирим ҳақиқий бахт келтираркан.

Швецияда соат ўн иккига бонг уриши билан эски идишларни синдиришади. Эски идишлар уйдан бахтсизликни кетказармиш.

Голландия ва Бельгияда ҳамма торт ва печенье пиширади. Бу ҳақиқий урфга айланган, десак, муболаға эмас. Финландияда Янги йил куни кўпроқ қовурилган гўшт ва гуручли таомлар истеъмол қилишади. Италияда, албатта, пицца тайёрланади.

Болгарияда соат ўн икки бўлиши билан ҳамма торт истеъмол қилиши шарт. Чунки кириб келаётган йил ширинлик билан бошланса, йил ҳам "ширин" бўлар экан. Англияда Янги йил арафасида ҳамма чой билан енгил таомлар истеъмол қилади.

Шотландия аҳолиси Янги йил куни асосан "эл" ичади. Бу ичимлик жуда қадимий ҳисобланиб, жуда қадрланади.Агар Янги йил куни "эл" ичмасангиз, ҳамма сиздан хафа бўлади. Францияда байрамни шампан виносисиз тасаввур қилиш қийин, албатта.

Бобомурод РАЙИМОВ

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАРУРАТИ ТУФАЙЛИ У ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Меҳнат Кодекснинг 95-моддасига кўра, ишлаб чиқариш зарурати ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимлар аввалги иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда шу корхона, муассаса, ташкилот ёки шу жойдаги корхона, муассаса, ташкилотга уларнинг розилигисиз ўтказилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш зарурати билан вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарилаётганда, ходим қайси ишлаб чиқариш зарурияти бўйича бошқа ишга вақтинчалик ўтказилаётгани кўрсатилиши лозим. Масалан: _____ (фамилияси, исми) (касби, вазифа)

"___" ____дан бир ой муддатга _____га _____ (цех, бўлинма номи) (ходим ўтказилаётган вазифа)

вазифасига _____нинг (ишлаб чиқариш зарурати: авария, ёнғин, тошқин ва ҳ.к)

олдини олиш (тугатиш) учун аввалги иш жойидаги иш ҳақи сақланган ҳолда ўтказилсин.

Асос: Меҳнат кодексининг 35-моддаси

Буйруқ нусхасини олдим: _____ (имзо) _____(сана)

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, аґар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик идораси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Табиат шукуҳи

Ушбу сондаги суратлар муаллифи А. ЖУМАЕВ

"ЕВРАЗИЯ" ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ОФИСИ

Нодавлат ташкилотларни, жумладан, адвокатлик фирмаларини Жамоатчилик Ҳимоя Марказларини ташкил этиш учун грант олиш лойиҳалари танловида қатнашишга таклиф этади.



Барпо этиладиган марказлар:

1) фуқаролар ва тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

2) маҳаллий қонунчиликни сурункасига бузилиш ҳолатлари бўйича стратегик суд жараёнларини ташаббус қилиш;

3) жамият учун муҳим бўлган ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш ва кўтариб чиқиш бўйича оммавий ахборот воситалари, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан узвий алоқада ишлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Лойиҳаларни тақдим этишнинг охирги муддати — 2004 йил 1 феврал.

Танлов бўйича қўшимча маълумотлар учун Евразия Жамғармаси масъул ходими Рустам Ҳусановга мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун маълумотлар:
rustam@eurasia.sarkor.uz,
Ўзбекистон, Тошкент, 700115 Чилонзор-4,11,1-қават

Телефонлар:
(371) 120-74-47,
120-74-48,
120-74-49
Факс:
(371) 120-74-51

ТАНЛОВ АҚШ ВА ГОЛЛАНДИЯ ҲУКУМАТЛАРИ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Afsus

ШАЙТОН ИЗМИ

Тўйда роса бўкиб ичган жизза-хлик Эргашбой бир амаллаб ўзи яшайдиган кўчага етиб келди. Кўнгли яна ичишни тусаб турган палла ҳозиргина тўйхонадан қайтаётган қўшниси Рашидга дуч келиб қолди. Унинг ҳам жиндай кайфи бор эди.

Эргашбой унга ароқ олиб берасан, деб тихирлик қила бошлади.

Рашид қўшнисининг кайфи тарақлигини кўриб, "пулим йўқ", деб қутулмоқчи бўлди. Бундан Эргашбойнинг ғазаби қўзиди. Жаҳл устида Рашидни орқага итариб юборди. Рашиднинг қўллари чўнтагида бўлгани учун мувозанатини сақлай олмай ерга йиқилиб тушди ва чап қоши ҳамда кўз қисмидан жиддий жароҳатланди.

Шунга қарамай, Рашид индамай уйига кириб кетди. Бироқ бу билан ҳам йиллар давомида аҳил-иноқ яшаб келган қўшнилар ўртасидаги кўнгилсизлик якун топмади. Рашид энди ўрнига чўзилган эди ҳамки, Эргашбой пичоқ кўтариб кириб келди ва Рашидга ҳамла қилди. Рашид ўрнидан туришга улгуролмади. Ўзини ҳимоя қилиш учун оёғини кўтарганда пичоқ чап тиззаси, икки оёғининг болдир қисмлари, чап қўл бармоқларини кесиб кетди.

Шу паллада отасининг ҳаёти таҳдид остида қолганини Рашиднинг вояга етмаган қизлари Зуҳра билан Ойша кўриб турган эди. "Қўйинг, отамга тегманг", дея қизалоқларнинг каттаси 12 ёшли Зуҳра қичқириб юборди. Бундан Эргашбой ҳушёр тортмади. Аксинча, "яқинлашма, ўлдираман", деб қизчаларга ҳам пўписа қилди. Шундан сўнг Зуҳра билан Ойша қўркиб ичкаридаги хонага кириб яширинишди. Кўзлари қонга тўлган Эргашбой пичоқни Рашиднинг кўксига урди...

Шовқин тугаганидан кейин Зуҳра чиқиб қараса, отаси қонга беланган алфозда ётар, Эргашбой эса уйда йўқ эди. Қиз қўни-қўшниларни ёрдамга чақирди.

Тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракати билан Р.Бозоровнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Арнасой туманининг "Қозоғистон" хўжалиги марказида яшовчи Э.Султоновлар хонадонида ҳар йил эр-хотин ва тўрт фарзанди дастурхон атрофида ўтириб , янги йилни бирга кутишарди. Бу йил янги йил байрамида эса уйда ота йўқ. Унинг ўрни жуда-жуда билиниши тайин. Чунки Эргашбой Султонов қилмишига яраша жазо муддатини ўтамоқда. Тўғри, Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги фармони туфайли жазоси бироз бўлса-да, енгиллашди. Аммо бу пешонасига ўзи сабаб бўлиб босган тавқи лаънат ювилиб кетади, дегани эмас.

...Ароқ шишанинг ичида тинч туради. Меъёридан зиёд истеъмол этилса, одамни худди Э.Султоновдай шайтон измига солади.

Раҳим УМУРЗОҚОВ,
ҳуқуқшунос

ЖИЯННИНГ КАСОФАТИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда.)

Шундай қилиб, жиноий гуруҳнинг бошқинчилик ва қотиллик режаси анча эрта бошланди. Суднинг қора курсисида уч марта ўтириш ҳам Аяпберген Есбергеновнинг ақлини киритмади. Бир оёғи қамоқда бўлган эр билан турмуш кечириш қайси бир аёлга хуш ёқарди? Аяпбергеннинг турмуши ҳам шундай бўлди: хотини кетиб, сўққабош бўлиб қолди. Бошини ҳар эшикка уриб кўрди: натижа чиқмади. Ниҳоят, Ғазиза исмли аёл билан ноқонуний тарзда турмуш қурди. Нукус шаҳрида яшовчи Турсунбой Сапаровнинг уйидан вақтинча қўним топишди.

Мана шундай кунларнинг бирида Аяпберген ва Турсунбой Тахтакўпир томон йўл олишди. Ҳатто бир оқшом "Маржонкўл" ширкат хўжалигида Ғазизанинг отаси уйида тунаб қолишди. Эрталаб Турсунбойнинг қариндошлик ипи узилаёзган тоғаси Ўтаназар оғаникига ўтишди. Ўтаназар оғанинг ўғли Қундузбой меҳмонларга чиройли дастурхон ёзди Суҳбат орасида:

— "Нива" автомашинамизни сотиб юбордик. Кичикроқ автобус олмоқчимиз, — деди Қундузбой соддадиллик билан.

Аяпберген Турсунбой томонга синовчан назар билан қараб қўйди. Сўнг Қундузбой ўгириларкан, "Нива"ни сотиб яхши иш қилгани, гарчи қўлидан келмаса-да, автобус олишга ёрдам беришини айтиб, ёлғон ваъда берди.

Нукусга кела-келгунча, Аяпбергеннинг юрак ҳовури босилмади. Қундузбой автобус олишга йиққан пуллари унинг кўз олдида нари кетмади. Орадан кунлар ўта борди. Май ойи ҳам ўрталаб қолди. Аяпберген ўзининг қора ниятини амалга ошириш учун қаттиқ киришди. У ана шу қора ниятда колонияда бирга бўлган ҳамтовоғи Алишер Аллаёровни топди. Секин-аста гуруҳга Ережеп Шаудиров, Ўнғарбой Алланиёзов, Турғанбой Ерназаровлар келиб қўшилдилар. Аяпберген Тахтакўпир воқеасини гапириб берди ва уларни босқинчилик ундади. Қайтмас "шер"лар таклифга рози бўлишди.

Жиян бўлмиш Турсунбой Ўтаназар оғанинг уйи чизмасини чизиб берди. Юзга киядиган ниқоблар, қўлқоплар, пичоқлар ва бошқа темир қуроллар шай қилиб қўйилди.

Оқшом чоғи гуруҳ "Нукус-Тахтакўпир" автобусида манзилга етиб келди. Қоронғулик тушишига ҳали анча бор эди. Демак, кутишга тўғри келади. Аяпберген "ботир"ларни Ўтаназар оға уйининг ғарб томонида, бир чақиримча йироқликда жойлашган заҳкаш бўйидаги қалин юлғунзорга бошлади. Хилват юлғунзор оралиғида режа обдон пишитиб олинди.

Ярим тун. Сукунат қўйнида олтовлон Ўтаназар оға уйи олдида пайдо бўлишди. Алишер чаққонлик билан телефон симини қирқиб ташлади. Хийлагар қуллар ёрдамида дарвоза қулфи осонгина очилди. Юлғунзордаги келишимга кўра, Аяпберген, Алишер ва Ўнғарбойлар юзларига ниқоб, қўлларига қўлқоп кийиб, ичкарига қадам босдилар. Қолганлар қоровуллик қиладиган бўлди.

Шарпалар бўсаға ҳатлаб, биринчи бўлмага оёқ қўйди. Хона ўртасида кимдир секин хуррак отарди. Аяпберген Алишерга нимадир деб шивирлади. Кутилмаганда, уйқудаги жон қимирлаб қолди. "Ким у?" — деб сўради оҳиста.

Овоз соҳибаси Ўтаназар оғанинг жуфти ҳалоли, эллик ёшли аёл Зубайхон эди. Зубайхоннинг турмоқчи бўлганини сезган учовлон унга ташланишди. Ўнғарбой қўлидаги темир билан аёлнинг юзига туширди. Алишер қўшимча зарб берди. Яна, яна... Зубайхон дод солди, чинқирди... Беҳол қўллари билан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлди. Лаҳзадан кейин эса... тинчиб қолди.

Кўзи қонга тўлган қотиллар ҳовлиққанча хонага кириб келган Ўтаназар оға томон отилдилар. Темир куроллар ишга тушди. Атроф қонга беланди. Миясидан оғир зарб еган оға полга қулаб тушди. Уни ўлди, деб ўйлаган гуруҳ кейинги "ҳужум" учун йўлакка ўтди. Йўлакда эса... уларга Ўтаназар оғанинг ўғли Қундузбой пешвоз келарди. Ниқоб кийган қотилларга яна жон кирди. Йигитнинг илтимосу ялиниб ёлворишларига жавобан кескин зарбага ўтишди. Қундузбой гоҳ у, гоҳ бу жойдан тегаётган қалталклар зарбидан чўккалаб қолди. Ўлганнинг устига тепгандек, Алишер қўлидаги темир қуролини унинг миясига ўқталди...

— Бошқа хоналарга ўтамиз! — деб буйруқ берди Аяпберген.

Бошқа хонада эса.. кўзлари милтмилт ёшга тўлганча, дир-дир титраётган ўн беш ёшли Тозахон турарди. Ундан нариги хонада Қундузбойнинг рафиқаси Гулжаҳонга дуч келишди. "Э-ҳа!" дейишди-ю, Гулжаҳоннинг қўлидан тутиб, уни ҳам Тозахоннинг бўлмасига олиб ўтишди. Даг-даг титраётган янгаю қайнсингилнинг бўйнига пичоқ тираб қўрқитишди. Кўлоёқларини боғлаб, оғизларига латта тиқиб қўйишди. Олазарак нигоҳли Аяпберген энгашганча, Гулжаҳоннинг қулоғидаги олтин сирғани юлиб олди, никоҳ узугини қўйнига тиқди. Хонадон эгаларининг барчасини "тинчитишган" қонхўрлар бўлмаларни тинтишга ўтишди. Зумда қимматбаҳо нархдаги эркаклар курткалари ва пальтолари, костюм-шим, аёллар жемперлари ва кўйлаклари, "ДЭУ" видеомагнитофони ва 96 минг сўм накд пулга эга бўлдилар. Молларни сумкаларга жойлаб, дарвоза томон ўтишди. Сўнг тун қоронғулигида изга қайтдилар.

Jinoyat va jazo

Бу машъум воқеа катта шовшувларга сабаб бўлди. Инсонийлик қиёфаларини йўқотган жиноятчилар зарбаси остида Зубайхон ҳаётда кўз юмди. Ўтаназар оға ва унинг ўғли Қундузбойлар бахтли тасодиф туфайлигина ўлим даҳшатидан омон қолишди.

Жиноятчиларга жазо тайинлашда уларнинг ҳар бирининг жиноий хатти-ҳаракатлари даражаси, муқаддам қандай қилмишлари учун судланганлиги инобатга олинди. Шунга кўра, улар қонуний жазога тортилди.

Жиноятчилар ўзларининг мудҳиш ниятини амалга ошириш учун юзларига ниқоб тортиб, қўлларига қўлқоп кийиб олишганди. Афсуски, бу ҳомҳаёл эди, холос. Чунки қотиллик ва қабоҳат қолдирган қонли изларни ҳеч бир йўл билан йўқотиб бўлмайди.

Исоқ ЖУМАБОЕВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ajab dunyo

ЯНГИ ЙИЛ ҲАНГОМАЛАРИ

Дунёга машҳур актёрлардан бири Жеймс Белуши дастлаб Санта-Клаус ролини ўйнаб юрган. Бир йили Янги йил байрамига уч кун қолганда, Белуши ҳайдовчилик гувоҳномасини йўқотиб қўяди. Шунда боши қотган актёр таваккал қилиб, машинада совғаларни тарқатишга йўл олади. Бахтга қарши, уни йўлда полиция ходимлари тўхтатишиб, "Қорбобо"нинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмагани учун ҳибсга олмоқчи бўлишди. Аммо бу ҳолга гувоҳ бўлиб турган болакайлар полиция ходимларини роса дўппослашади ва севимли Санта-Клаусни ҳибсга олишга йўл қўйишмади.

Машҳур ёзувчи О'Генрининг тақдирида Янги йил байрами чуқур из қолдирган. Қамоқда бўлган Вильям Сидней Портер яккаю-ягона қизига совға жўнатишга қарор қилади. Аммо чўнтагида мири ҳам йўқ бўлган маҳбус ўйлай-ўйлай охири бир мақола ёзиб, машҳур журнал таҳририятига жўнатади. Йигирма тўққизинчи декабр куни "О'Генри" тахаллуси билан чиққан мақола дунё бўйлаб тарқалади. Шу билан Сидней Портер "О'Генри"га айланади. Таҳририят жўнатган қалам ҳақига бўлажак ёзувчи қизига совға сотиб олган.

Янги йил куни мушаклар отиш ҳамма ерда ҳақиқий удумга айланган десак, хато эмас. Лос-Анжелесда яшовчи Жон Питтерсон исмли киши дўстларини мушаклар билан хурсанд қилмоқчи бўлади ва ихтирочилар китобига қараб қўлбола мушак ясашга киришади. Бечора йигит бир нечта қоидаларни унутган шекилли, ертўлада кучли портлаш рўй беради. Шу тариқа омадсиз ихтирочи йигит янги йил байрамини шифохонада ўтказади.

Норвегияда янги йил байрами куни "Ким энг катта қорбобо ясайди?" деган мусобақа ўтказилади. Маълумотларга кўра, баъзида бўйи 3 метрдан ортиқ қорбоболар ясалган. Бундан ташқари, мамлакатда қор шаҳарлари ясаш урфга айланган. Энг катта қор шаҳри ҳам Норвегияда барпо этилган. Бу шаҳарга камида беш юз нафар киши сиғиши мумкин.

Дилноз МУРТОЗАЕВА
тайёрлади

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-918. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50